

ОҚСОҚОЛЛАР ҲУДУДИ

Тошкент — Жиззах

Бугунги давр инсониятдан янги яшаш тарзи, янги тафаккур мезонларини талаб қилаётгани сир эмас. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтилайётган ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнда жамиятдаги янги кучларга, янги ижтимоий институтларга кенг майдон берилмоқда.

ЯНГИ ДАВР — ЯНГИЧА ВАКОЛАТЛАР

ролар йиғинларига бир қанча ваколат ва ҳуқуқларни олиб берди. Лекин ваколат қозғоғидан қандай кетмаслиги учун жойлардаги маҳалла мутасаддилари билан доимий ишлар олиб боришни мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла эиеси» республика ўқув-услубий маркази ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги ўқув-семинар ана шу маънода қимматга эга бўлди. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида оқсоқоллар кенгашларининг вазифалари мавзусидаги анжуманда асосан жиждош қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳаллаларнинг вақиллари иштирок этдилар.



Семинарда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, туман ҳокимияти раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла оқсоқоллари, туман имом-хатиби, туман хотин-қизлар кенгаши, ички ишлар, молия, меҳнат биржаси ходимлари иштирок этдилар.

Семинар ишини очар экан, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлис депутати Шухрат Жалилов маҳаллалар олдига турган устувор вазифалар, уларнинг ечимлари ҳақида алоҳида тўхтади. Жамиятда ураётган неки муаммо мавжуд бўлиши, уларнинг барчасини ўзини ўзи бошқарув тизими орқали ҳал этиш мумкинлигини нотик алоҳида таъкидлади. Аҳолини, кенг жамоатчиликни ташвишлантиратган юмушларни ҳал этиш ишида бугунги кунда ҳақ депутатлари маҳаллий кенгашлари вақилларининг ҳам масъулият доирасини ошириш мумкин аҳамият касб этаётди. Қолаверса, ўзини ўзи бошқариш тизимига ҳозирги шароитларда ҳатто республика кўнун чиқарувчи органи — Парламент даражасида эътибор берилмоқда. Олий Мажлис биносинда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ишлар тургани ҳам фикримизга дал

лидир. Қўмита раиси профессор Акмал Саидов семинарда маъруза қилиб, маҳаллалар истиқболлини белгилوшни амалдаги ҳуқуқ ва ваколатларнинг ижроси сустилигини эслатиб ўтди. — Маҳалла — маънавият, виждон эркинлиги, оила шаклланишининг чинакам ўчоғи ҳисобланади. Жамиятда ҳам жисмонан, ҳам руҳий-маънавий баркамол авлод етишиб чиқиши учун маҳаллалардаги зиёкорлик ишларини изчил олиб бориш мақсадга мувофиқдир, — деди «Маҳалла» жамғармаси раиси муовини Рустам Бобожонов.

Маҳаллаларнинг диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида Ваҳид Раҳимов, посбонлари ва профилактика нозирларининг ўзаро ҳамкорлиги маҳаллада осойишталикнинг бош омил эканлиги ҳусусида маъруза қилди.

Жиззахлик маҳалла фуқаролар йиғинларининг мутахассислари шунингдек, жойларда тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш тажрибалари ҳақида ҳам атофтида ахборот олишди. Семинар кун тартибиде белгиланганидек, меҳмонлар маҳаллада ишбилармонлик тадбирлари муваффақиятли йўлга қўйилган пойтахтдаги Чигатой-Оқтепа маҳалласи ишлари билан яқиндан танишишди. Ўз гузарига маънавий хизмат, товар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олгани, истиқомат жойида махсус банк очилгани ҳақида маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминов сўзлаб берди.

Ешлар тарбияси, миллий қадриятларни эъзозлаш, оилаларда янги турмуш тарзини шакллантириш услублари ҳақида республика Оқсоқоллар кенгаши раисининг муовини Расул Раҳмонов атофтида сўзлади. Ички ишлар ходими, подполковник И.Саримсоқов маҳалла раислари, посбонлари ва профилактика нозирларининг ўзаро ҳамкорлиги маҳаллада осойишталикнинг бош омил эканлиги ҳусусида маъруза қилди.

Маърузалар асосида ва бошқа мутасаддиларга берилган саволлар қизгин мунозарани юзага келтирди.

Жиззахлик оқсоқоллар Тошкент вилоятидан, ҳусусан Зангиота маҳалласи тажрибасидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Ўқув-семинар қатнашчилари зиёратни ҳам унутмадилар. Улар «Теурийлар тарихи» музейи, «Шаҳидлар хотираси» мажмуи ҳамда Тошкент вилоятидаги Зангиота саждагоҳини зиёрат қилишди.

Шундай қилиб, жиждош «табала»лар ўз масканлари томон янги куч-ғайрат билан «курролланиб» қайтидилар. Эндиги вазифа — ваколатлар доирасида мустақил ҳаракат қилишда қолди.

Нодир АЛИМОВ. Суратларда: Анжумандан лавҳалар.

МАҲАЛЛАДА ТАДБИР

Тошкент вилояти

ТАЖРИБА ОММАЛАШДИ

Тошкент тумани «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Алишер Навоий номи маҳаллада туман ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, туман ҳокимияти раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла оқсоқоллари, туман имом-хатиби, туман хотин-қизлар кенгаши, ички ишлар, молия, меҳнат биржаси ходимлари иштирок этдилар.

Семинарнинг туман ҳокими муовини Р.Шерматов очди. Дастлаб Алишер Навоий номидаги маҳалла раиси Эркин Гуломов маҳалланинг ташкил топиш тарихи, маҳаллада ҳозирги кунда олиб борилаётган ишлар, ҳусусан, ободончилик, таълим-тарбия, ҳашар, ижтимоий ҳимоя, урф-одат ва анъаналар, жиноятчиликнинг олдини олиш, «Оила-маҳалла-мактаб» муаммолари ҳақида тажрибалари ҳақида ўртоқлашдилар.

Сўнг «Юнусобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Раҳимов, туман бош имом-хатиби Яҳё қори Турдиев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини А.Даминов ва бошқа

лар сўзга чиқиб, маҳаллада олдидеги долзарб муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилидилар.

М. МИРЗАЕВ, Тошкент вилояти Оқсоқоллар Кенгаши раиси.

МАҲАЛЛАГА КИМ КЕЛДИ?

Андижон

Кўчанинг қоқ ўртасида каловланиб туриб қолганимни кўрган мўйсафид мени имлаб чақирди.

— Меҳмон, сизга ким келди?

— Мен айтдим. Қария мен қидираётган кишида йиғма юмушим борлигини сўради. Мен ўша кишининг исмини, юк машинаси бор эканини, қира қиласи бўлганини айтдим.

— Тўғри, ҳақиқатан қирақилиш қилади, — деди ҳалиги отахон ва менга йўл кўрсатиб юборди: — Ҳов анави тўқилган тош юмушини кўрайсизми, ўшандан бурилиб кириб борсангиз рўпара бўласиз — қоласиз...

Баъзан ёшлигимизга боғраимиз: «Эзмаланиб ўтирадими, аввал-бошдан кўрсатиб қўя қолса бўлади-ку. Кўчанинг у томонига чақириб олиб, шунча сўроқ-саволга тутиш шартмикин? Қарияларга ишинг тушса аҳвол шу-да!» деб ўйлаймиз.

Лекин, шомнам! Қариянинг бу «инжиқлиги» «Қаричилиқдан, эзмалигидан» эмас, ўйлаб кўрилса, бунда оламча маъно — шарқоналик бор. Келинг, бир бошдан таҳлил қилайлик. «Меҳмон» деб гап бошлади. Демак, сизнинг бу яқин-атрофдаги маҳалладан эмаслигингизни билганини сездики. «Сизга ким керак эди?» Сиз бу ерда ҳеч кимни танимаслигингиз аниқ. Биринчидан, қидириб бир неча хонадонни безовта қилманг. Иккинчидан — вақтингизни бехудага кетказманг, юмушингиз тез битишига ёрдамлашиш ниятида

«МЕҲМОН, СИЗГА КИМ КЕРАК?»

саъй-ҳаракати бор. Учинчидан, сиз қидираётган одамга кўзингиз тушса, ҳақиқатан танийсизми? Аввалдан юз кўришиб юрган, салом-алигингиз борми? Агар йўқ бўлса, ҳали ҳаётда юзлашмаганга гаплашмаган бўлсангиз, демак, мўйсафиднинг ўзи сизга ҳамроҳ бўлиб боришига тўғри келади ёки маҳалла ёшларидан биронтасини қўшиб бериш ниятида.

«Тўғри, ҳақиқатан қирақилиш қилади» деди ўша мўйсафид. Сизга ён боса бошлади. Демак, сизнинг маҳаллага шум, ёмон ният билан ораламаётганингизни уқиб олди. Кўнглини тўқ қилиб, ёнингизга «посбон» қўшмасдан, ўзингизга ишонч билдириб кузатиб қолиши мумкин...

Биз ёшлар кўпинча шом қоронғусида шошиб уйга қайтарканмиз, маҳалламиз бошида турган бегонага эътибор қилмаймиз. Ҳатто, «Кечирасиз, фалончининг уйи қайси?» деб сўраса, бош билан имо қилиб кўрсатадилар. «Меҳмон» деб гап бошлади. Демак, сизнинг бу яқин-атрофдаги маҳалладан эмаслигингизни билганини сездики. «Сизга ким керак эди?» Сиз бу ерда ҳеч кимни танимаслигингиз аниқ. Биринчидан, қидириб бир неча хонадонни безовта қилманг. Иккинчидан — вақтингизни бехудага кетказманг, юмушингиз тез битишига ёрдамлашиш ниятида

Боболаримизнинг «Шаҳар бедарвоза эмас!» деган ўғити бор. Шаҳар дегани — кўрғон. Кўрғон табиийки, маҳалладан — чегараланган ҳудуддан иборат бўлади. Маҳалланинг меваси ҳам, эгаси ҳам, посбони ҳам — ўзимиз. Демак, маҳаллада чумоли ўрмалас аралашасиз: Нимага чумоли кўп, қурғоқчилик борми? Ернинг нами қочди-микин? Ариғида сув оқаяптими?...

«Йигит омон бўлса, кўрғон саломат» дейди шоир. Қадимдан ота-боболаримиз маҳаллаларидаги йигитлик бурчларини чуқур тушунишган. Биз уларнинг ўғитларини олиб, қадрият сифатида эъзозлашимиз керак.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори билан «Маҳалла посбонлари» тузилмасининг ташкил этилишида ана ўша миллий қадриятнинг замон талабидеги қайта тикланишини кўраимиз. Ана шу нуқтан назардан ҳам миллий қадрият асосига қурилган мазкур тузилма ташаббускори яна Юртбошикетавраимиз. Эртасига ёки бир неча кун ўтгач, ўша хонадонни «уриб» кетишганини ёки бошқа нохуш воқеа юз берганини эшитиб эса ҳайрон бўламиз, елка қисиб қўя қоламиз. Ўйламаймизки, ўша «буришнинг бажариши» билан нохушликка сабабчи бўлдиқ. Тўғрироғи, ўғрилиқка «шерик» бўлдиқ.

М.ОТАХОНОВ, «Mahalla» мухбири.



Ўзини ўзи бошқариш идоралари, ҳусусан, маҳаллалар ана шу майдонда пайдо бўлаётган навқирон кучдир.

Маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш соҳасида ҳамда ҳокимият идоралари фаолиятини назорат қилиш борасида ўзига хос ноёб институт ҳисобланади. Кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар маҳалла фуқ



ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ (Давоми. Боши 1-бетда.)

Ез мавсумида ҳар қандай юқумли касалликни келтириб чиқарувчи микробларнинг атроф-муҳитда «жон» сақлаб туриши табиий ҳол. Ҳамма гап — уларнинг фаол ҳаракатга келиб, касаллик сифатида кенг тарқалиб кетишига йўл қўймасликда, холос. Бизда бу касалликлар тарқалиши ҳавфнинг олдини олиш учун барча зарур тадбирлар белгиланган. Бу ишга мутасадди идора ва ташкилотлар тизимида аниқ эпидемиологик дастур ва профилактик тадбирлар жадалли ишлаб чиқилган. Шу йўл билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги санитария ва гигиена ҳолати тулдик назорат қилиб боришмоқда.

Айтиш жоизки, йил мавсумларининг келишига қараб касаллик тарқатувчи вируслар ҳам турлича кўринишда хужур қилади. Мўҳими — мутахассислар ана шу жараёни эътибордан четга қочирмаслиги керак. Шу боис биз жорий йил бошида ҳудудий мутахассисларимизни махсус дастур асосида тузилган 35 соатлик машғулотга тақдир этиб, уларнинг бу борадаги билим ва иш тажрибасини имтиҳон қилдик.

Профилактик ишлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, жойларда ўткир ва юқумли ошқозон-ичак касалликлари кўзгаланишининг ҳавфи деярли йўқолган. Аммо бу турдаги касалликлар четдан кириб келиши эҳтимолидан ҳоли эмас. Шу боис бу борада мамлакатимизда 1 октябрда қадар эпидемиологик карантин ҳолати эълон қилинган. Эпидемияга қарши кураш бўйича олиб борилаётган дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишлари янада кучайтирилди.

Шу билан бирга, жойларда эпидемиологик ҳолат атрофиде таҳлил этилиб, барча турдаги юқумли касалликларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чоралари қўришмоқда. Чунинчи, давлатимиз чегараларидаги санитария-карантин постларида тегишли алкоҳол идора ва ташкилотлар ҳамда қўшни давлатларнинг тегишли соҳа хизмати вакиллари билан биргаликда профилактик тадбирлар амалга оширишмоқда.

Сухбатдош: Уктам ДУСТЕР, Ўза мухбири.

Кўзгудаги ким ўзи? КЕП ҚОЛИНГ СОМСАНИНГ, ЙЎҒ-Э, ТОПИШМОҚНИНГ «ДОДАСИ»ГА

Сўзларимиз топишмоқмисол. Қани, топишмоқни топишга уриниб кўринг-чи. Айтмайлик сиз, гўзаллигу ободликда шаксиз беқиёс шахримизнинг кўлаб шохбекатларидан бирида транспорт уловидан тушасиз-да, кўпчиликка қўшилиб олға юрасиз. Борди-ю, бу томонларга тез-тез йўлингиз тушмаган бўлса, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, кўзингизни оёғингиздан узмай қадам ташлаганингиз тузук.

Бизга — кўпчиликка, қоқилиш ҳавфи бор ўнқир-чўнқирлар кўп йиллик «қадардон» бўлгани учун кўз юмиб ҳам юра оламиз. Беш-олти қадамни эсон-омон ташлаб олишингиз билан тўсатдан бир кимса сиз томон сакраб қолади. Шапа-лоқ тортомқичдек қилган ҳаракатидан асло чўчманг. Агар тупуқ сачратиб, қулоқни йиртгудек шовқин билан, икки тилини омухта қилиб бақираётганингиз сўзини англаш қобилияти сизга ота этилган бўлса, сиз сакратовчининг ҳеч қандай хусумати йўқлигини, нақ оғзингизга узалган шапалоғидеги фақатгина «қора кўчорнинг ёғ-гўшти»да пишадиган «заказ» сомсани татиб кўришга даъват этаётганини тушуниб оласиз. Хушингизни йиғмасингиздан унинг «ҳамкасблари» томонидан ўртага олинасиз. Агар иштарҳингиз (ватқингиз, пулингиз) бўлмаса, билангиздан тортиқлаб, сизни бюуртма бермаганингиз — «заказ» сомсани ейишига зўрловчи бу «сертакаллуф»лардан тезроқ узоқлашинг. Борди-ю сомса ейдиган бўлсангиз, унда биз сизни ҳақиқий «қаҳра

мон» деб атаймиз. Чунки... сомса солинадиган саватларнинг устига қопланган матолардан тортиб териб олингандек забардаст сотувчи йиғиларнинг уст-бошларигача қирлигидан ялтйраб кўзини қамаштиради. Лабнинг бир четига сигарет қистирилган, «заказ сомса»лаб бақиршидан ортиб тупуриб ҳам қўяди, шоввоз. Сомса ёғи ва чанг-тўзон унлаб қорайган қўллариде сомсани ёриб қаламларга (унгача оғзидаги сигарет кулли ҳам) сепади. Сомса еятуриб, қора кўчорнинг гўштинга тиқилиб қолсангиз, ерга чўккалаб олган «холангиз»нинг чойидан тортинмай ичаверинг. Тўғри-да, тиқилиб турганда чойнак-пиёла ранг-рўйининг аҳамияти қоларканми? Шундай ҳолатда, саломатлигингизу таъбингизни «хавф»га қўйиб сомса есангизу, сизни «қаҳрамон» десак, арзимабдимми? Мабодо, сизнинг ўринингизда шахримизга биринчи бор таширф бюурган одам бўлиб қолсаю, унга шахаринг қоқ марказиде турганлигини айтсак, бизни гирт ёлғончига чиқариши тайин.

Аммо, буларнинг ҳаммаси ҳали «ҳолва». Шаҳримизнинг ҳеч қаериде (балки бутун ер юзиде) бошқа шундай жой йўқ-ки, ер билан битта нон увоқлари устидан бунча кўп одамлар бемалол одимлаб ўтса!

Хуллас, шунча воқеаларни бошдан кечириб олға бораверасиз. Ана, ҳар ўн беш дақиқаде бонг урадиган «Тошкент куранти». Воқеа-топишмоғимизнинг манзиллини тўғри топангизингиз ва равон, озода кўчаларга етиб қолганингизни тасдиқлаб жанглайди. Аминимизки, шунча саргузаштлардан кейин атиги ўн қадам ташлашингиз билан қоқ ўзингизни бир дунёдан бутунлай бошқа бир дунёга ўтиб қолгандек ҳис қиласиз.

Топишмоқни топангизингиз учун бериладиган соврини эса сиз билан биргаликда биз — кўпчилик ҳам мутасадди ташкилотлардан кутиб қоламиз. Биз — кўпчилик кутган «соврин» — Амир Темур транспорт бекатини ҳақиқий шохона бекат шаклида кўришир, бу тўғрида топишмоқбозлик қилмасак ҳам бўлади.

М. КОСИМОВА, «Mahalla» мухбири.



Гўзалликка талпинур кўнгли

«Гўзаллик қизларда У қаро кўзларда деганлар илғишур» деган улуг шoirимизнинг ўзлари янглишмаганмикин? Ахир, соҳир мўйқалам устаси бўлган табиат яратган бетимсол гўзалликлар қайси қўлни энтиктириб, қай юракни жунбушта келтирмайди? Ана шу табиатнинг ажралмас бўлағи бўлган инсон гўзаллиғи-чи?

Шовирлар таърифида бот-бот тилга олинган тўлгин ойдек юзу юлдуздек қақнаган кўзлар, тортилган камондек қошлару наштар нақшларига, гилос даҳану ажлор сочларга момоларимиз ардоқлаб кийган атласу зардузи дўпчилар узукка кўз қўйгандек мос келса-чи?

Миллийлик уфуриб турган ниғоҳлар, жон ўртагучи сирли боқилар, зоҳирий гўзаллик билан ботиний гўзалликнинг таҷассуми бўлган улуг ГўЗАЛЛИККА ҳамниша қалблар талингуси, юраклар интилгусидир.

Равшан РАҲАБОВ.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

Наманган

ТЕПАҚ ЎРҒОНДА ТАДБИРКОРЛАР ОҚСОҚОЛ

Наманган туманида Тепақўрғон қишлоғи бор. Унда 12650 нафар аҳоли истиқомат қилади. Тепақўрғонликларни тадбиркор кишилар деб ҳам аташади. Эркаларини бир ёққа қўйингу, аёлларнинг деярли ҳаммаси уй-юмушларидан, бола-бақраддан ортиб йилнинг қайси фаслида бўлмасин, ғоят харидорғирлиги билан ажралиб турган ангор эчкиси тивитидан тайёрланувчи жузли рўмоллар тўқишади.

Бугунга келиб бозорларимиз хориж мамлакатларида ишлаб чиқарилган турфа рўмоллар билан буткул тўлган бўлсада, Тепақўрғон рўмоллари ўз харидорини йўқотмаган.

Тепақўрғонлик эркалар ҳам тиним билишмайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида улар томонидан қишлоқ маҳаллаларидан 2 тасида маънавий хизмат кўрсатиш шахобчалари, савдо дўконлари ва бозорчаларини ўз ичига олган гузарлар барпо этилди. Ҳозирда ана 3 та маҳаллада гузар барпо этилмоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда тепақўрғонлик тадбиркорлар томонидан 20 та тегирмон, 25 та обжувоз, 7 та қасбобхона, 8 та ошхона ва чойхона қуриб битказилиб, халққа хизмат қилмоқда.

Бу каби ижобий ишларнинг бошида эса қишлоқ фуқаролари ўтган йилнинг раиси Умарали Юнусов турибди. Дарвоқе, У.Юнусовнинг ўзи ҳам қишлоқнинг олди фермерларидан бири саналди. Маҳалла оқсоқоли бул вақтнинг ўзида «Юнусовлон» деҳқон-фермер хўжалиги расми ҳамдир.

И.ЖУМАНАЗАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Кашкадарё

«ЯХШИЛАР - ЯҚИНЛАРИМИДИР»

Муборакхон турмуш қурганда нималар ўтмади кўнглидан. Тўрт мучали соғ фарзандлар қўриш, уларни эли қорига ярайдиган, ватанига муносиб хизмат қилувчи йигит-қизлар қилиб тарбиялаш бирдан-бир орзуси эди. Фарзанд кўрди — қизгина. Аммо у ултайган сайин ота-онага қувонч эмас, ғам-ғусса олиб келди.

Кейин Қарши туман ҳокимлигига мурожаат этишга мажбур бўлди. Ҳоким, Республика Олий Мажлиси депутати С.Хайруллаев онахоннинг аламларини диққат билан тилгиди.

Ҳоким дарҳол мутасадди ташкилотлар бошлиқларини хузурига чорлади. Масалани атрофиде таҳлил қилиб, бу оналага ёрдам беришни ҳам илтимос қилди, ҳам тоширди.

Раҳбарлар масалани виждонан ёндошдилар. Туман газла-

ТҲЙНИНГ ЙҲРИФИ БОШҚА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўриниб турибдики, ҳозир вақтин кетказиб, бечорага тартиб-қондан тушуниришининг хонаси эмас. Тўйга, маъракага ўзимиз, бирон-бир оила аъзосимиз, маҳалла вакилими айтмасам, узоқ-яқиндагилар у ёқда турсин, ён қўшини ҳам чиқмаслигини, «Айтилмаган жойга йўнлмаган таёқ» бўлишини ҳеч ким истамаслигини эслаб ўтиш зарурлигини кўнгилга тушиб, ташкилий иш қилишга киришдик. Энг аввал, маҳалла тўй-ҳашамларини ўтказиш кенгаши аъзоларидан бирини топиб, қудаларини, қариндошларини кутиб олишга қўйдик. Айни вақтда маҳаллада ким уйда бўлса, қозонга солган гуручига қараб одамларни айтиб чиқдик. Албатта, олдинроқ айтилмайди, битта-ярим-тани эсидан чиқиб қолибди-ми, ҳатто «рахмат» деган ўринди таъналар ҳам бўлди. Тўғри, ўша ҳудудда иш олиб борадиган вакилими, тўй-ҳашамларини ўтказиш кенгаши аъзоларидан бирини, хотин-қизлар кенгаши раисини, ўқиш, иш билангина ўралашиб, маҳаллага аралашмай, одатларимизни билмаган, тўй соҳибининг эсига келмаган қондаларни ташаббус кўрса-

тиб, қариб, маслаҳат бериб қўйса ҳам бўларди. Афсуски, ҳеч ким эшитмай, билмай қолган. Хуллас, тўй ўтди. Маҳалла мутасаддиларига раҳмат айтилди, узр сўралди. Лекин хонадоннинг, таниқли мутахассиснинг шаънига яхши гап бўлмади. Ҳаммаси жарроҳнинг маҳаллага тез-тез чиқиб, билмаганларини кўриб-билиб юрмаганининг, тўй ҳақида ҳеч ким билан кенгаши билганининг оқибати бўлди. Фақат жаноза, тобутни кўтариш, беморларни уйига бориб ёрдам бериш билан орттирилган обрў, бундай вақтда етарли эмаслиги, бу ишлар вожиб амаллардан эканлиги, тўйнинг йўриги бошқа эканлигига ақли етмаганлиги панд берди. «Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайдик - деб ҳар бир муслмон юртдошимиз бехиётёр ривож қилганимиз баъзи миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматни таъкидлайди Президентимиз, - Кўчадан тобут кўтариб борилапти. Дуч келган йўловчи - у пиёдами, машинадами ёки отлиқми - дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутати. Камидан етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумнинг таниқлими-танимайди, му-

бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади. Мустақиллик туфайли янгилаш, тиклашнинг, ислоҳотлар даври тўққиз йилликки бардавом, эркин муносабатлар йўлига тўла кириб бораётган жамиятимиз, аллақачон кечаги кунга таҳлил назари билан қарашини, ҳаётга, шу жумладан маҳаллага, динга бўлган эскича муносабатини ўзгартиришни, миллий қадриятларга ёндашиш ва уни баҳолашнинг янги таъминоти янги шакллантиришни тақозо этмоқда. Бугун бу муҳим масалани айландирган Президент Имом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берган «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» жавобларида яна бир бор эътироф этилган. Унутмаслик керакки, Ўзбекистонда - маҳаллада яшар эканлиги ҳождийимиз, йўқми жамият етакчилиги қилаётган оғилар тизими - мафкура, маданият ва маънавият билан муайян муносабатда бўлган маҳалла ҳаёти билан буткул узвий яшамаслигимиз керак. Мустақил вақтда маҳалланинг қиммати пайсагани сир эмас. Лекин уларнинг

Манбаларда қайд этилишича, йилга бир миллиард 230 миллион килограмм миқдорда чой маҳсулоти тайёрланади. Бундан кўринадик, мазкур ҳаётбахш ичимлик дунё халқлари, айниқса Шарқ мамлакатларида жуда оммалашиб кетган.

ЧОЙ - ҲАЁТ ШАРБАТИ

Бунга сабаб, чой фақат чанқовбосди ичимлик бўлмай, айни вақтда шифобахшлик хусусиятига ҳам эга. Жумладан, чой кишига яхши ҳаёт бағишлайди, тетиклаштириди, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади, бош миёя пўстлогини кўзатиб, қон томирларини кенгайтиради. Чой турли хасталикларни даволашда ҳам ишлатилади. Қулоқ, бурун, томоқ ва кўз огриганда чойдан фойдаланиш мумкин. Кўз шамоллаганда аччиқ дамланган илиқ чойда чайиш фойдали. Шунингдек, чой бош огринини қолдирувчи, қувватни оширувчи, фикрни теранлаштирувчи хусусиятларга эга. Бир қатор хасталиклар, масалан, қон оқиси, лавша, нефрит, атеросклероз, ҳафакон, ичбурғу, кўкйўтақ, бод, беланги, стенокардия, сарик касаллиги билан огриган беморларга маълум даражада чой даво хисобланади. Булардан ташқари полиомиелит, мезда яраси, ўн икки бармоқли ичак жароҳати, жигар, буйрак ва бошқа касалликларни даволашда ижобий таъсир кўрсатади. Организмда туз йиғилиши, нафас йўллари шамоллаши, рентген нурларидан зарарланиши, офтоб уриши каби хасталикларни даволашда чойнинг аҳамияти жуда каттадир. Чой таркибидаги шифобахш моддалар қон томирлари фаолиятини яхшилайди, унинг мўртлашувининг олдини олади, эластиклигини оширади. Чой аъзоларимиз фаолиятининг бир меърада ишлашини таъминлаб туради: овқат ҳазмини яхшилайди ва юқумли касалликларга нисбатан қаршилиқни кучайтиради, жинсий безларни жонлантиради. Чой юрак-томир тизимининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Чой бундан ташқари озиклик хусусиятига ҳам эга экан. Москвадаги овқатланиш илмий-текшириш институти мутахассисларининг фикрича, таркибида мавжуд оқсилларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан чой дуккакли ўсимликлардан қолишмайди. Ўтган асрда шифокорлар чой ичимлигини тўйимлиги жиҳатидан гўшт қайнатилган шўрвага тенглаштирганлар. Тўғри, чой овқатнинг ўрнини тўла боса олмади, аммо у кишига маълум даражада қувват беради.

Чойнинг дамлаш технологиясига аҳамият бериш керак. Чой дамланган идиш бошқа нарсага ишлатилмагани маъқул. Чойнакка чой дамлашдан олдин у қайноқ сув билан чайилади, кейин қуруқ чой солиб, устига қайноқ сув қуйилади. Дамланган чойни қизиб турган плита устига қўйиш ярамайди. Чой яхши дам еб, иссиқ ҳолда сақланиши учун устига сочиқ ёки махсус қалпоқча қўйиш лозим. Шунда чой хушбўйлиги, ранги ва таниқлигини сақлаб қолади. Чой дамлаш учун соғуқ сув ишлатмаган маъқул. Уларда мавжуд бўлган кальсий, магний тузалари дамламанинг сифатини бузди.

Курюқ чой ўзга ҳидларни ўзига синдириб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун курюқ чой оғзи эч ёндашган чини, ишича ёки сирланган идишларда қўйишнинг тизиз нуридан холи бўлган жойларда сақланиши лозим. Ўзга ҳидли қимёвий модда (нафталин, совун, атир-ўпа ва бошқалар) чойга яқин қўйилмаслиги зарур. Чойни фақат водопровод шохобчаларидан, тиндирилган сувлардан олиб дамлаш керак. Чунки ариқ, жылға, сой сувлари маълум даражада қимёвий унсурлар (нитратлар, нитритлар) ва бошқа моддалар билан инфосланган бўлиши мумкин.

Содиқ МҲМИНОВ.

СҲРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

- Мен шу йилнинг март ойи охирида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тўланадиган нафақани олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаган эдим, лекин маҳалла кўмитамиз раиси «сиз нафақа олувчлар тоифасига кирмайсиз», деб айтди. Айни пайтда ҳеч қачон ишламаман. Чунки биз яшаётган жойда иш топиш - иена билан қудуқ қазийдай гап. У бу иш билан тирикчилик қилиб турибман-у, аммо бу ҳам етмайди. Мен нафақа олиш ҳуқуқига эгаманми? Ушбу нафақа ўзи кимларга берилади?

А.АБДУЛЛАЕВ.

Сурхондарё вилояти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори талабига кўра, 16 ёшгача боласи бор оилаларга нафақа уни олишга муҳтож бўлган оилаларга тўланади. У: - болаликка ва ҳомийликка олинган 16 ёшгача болалари бўлган; - ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланганидан оилалар; - ногирон қақалоқ (бола)ли оилалар; - боланинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар; - ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз, меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилаларга таян-

ланади ва тўланади. Ушбу юқоридан санаб ўтилган тоифага кирувчи фуқаролар, нафақа олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Қуйидагиларга нафақа тайинланмайди: - болалари тўлиқ давлат таъминотида бўлган оилаларга. Агар оиладаги болаларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ давлат таъминотида бўлмасам, у ҳолда нафақа давлат таъминотида бўлган болаларни ҳисобга олган ҳолда тўланади; - ота-онаси қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган оилаларга; - моддий бойлиги (даромади) болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан мақбул ривожланишини таъминлаш имконини берадиган оилаларга.

К. ШАРИПОВ.

Самарқанд вилояти, Челақ тумани. Амнистия грекча «Amnestia» - кечирिश, сўздан олинган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни жазодан тўла ёки қисман озод қилиш ёхуд суд томонидан белгиланган жазони енгилроғи билан алмаштиришни билдиради. Шунингдек, амнистия аввал жазони ўтаб қайтган шахслардан сўдланганликни олиб ташлашни ҳам кўзда тутати. Айрим ҳолларда эса ноҳў ҳақи-ҳаракат содир этган шахсларга маъмурий ёки интизомий тартибда белгиланган жазо чораларига ҳам қаратилиши мумкин. Амнистия умумий (амнистия актида кўздал тутилган, ЖКнинг маълум моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганларга қўлланилиши) ёки қисман, яъни айрим шахсларга тегишли (авф шаклида бўлиши мумкин).

Амнистия қўлланилиши мумкин бўлган шахслар тоифаси ҳар бир ҳолатда амнистия актининг ўзида кўрсатиб ўтилади ва қонда бўйича ушбу ҳужжат эълон қилинганга қадар содир этилган жиноятга нисбатан таъбиқ этилади. Амнистия давлат ҳокимиятининг Олий органи ёки давлат бошлиғи томонидан чиқарилади. Авф - маҳкуми жазодан озод қилиш ёки суд томонидан белгиланган жазони бир мунча енгилроғи билан алмаштиришдир. Бошқача қилиб айтганда, авф битта жиноят ёки шахсга нисбатан қўлланилади. Масалан, ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсни авф этиш орқали ўлим жазосини озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштириш.


Авф, шунингдек, аввал жазони ўтаб қайтган шахслардан сўдланганликни олиб ташлашни, жиноят содир этган шахсларни кечирини кўзда тутати.

- Мен касал бўлиб қолганим сабабли пенсиямни оломай турибман. Шунинг учун қўшимча менинг пенсиямни олиб келиб бериши учун ишончнома бермоқчи эдим. Бундай ишончномани нотариал тартибда расмийлаштириш шартми?

Н. СЕМЕНОВА.

Ташкент шаҳри. ФКнинг 137-моддаси талабига кўра хат-хабарларни, пул ва пулсизликларни олишга, иш ҳақи ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллимлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақлари, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар, шунингдек банкдан олинган пул суммаларини олиш учун берилган ваколатнома нотариал тартибда тасдиқланиши шарт эмас. Бундай ишончномалар уни берувчи шахс

Саволларга жавобларни ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ тайёрлади.



Кўй (21.03-21.04). Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишларингизда бурилиш бўлади. Бизнесга оид битимлар тузишингизга имкон туғилади.


Арслон (23.07-22.08). Чоршанбада кайфиятингиз хуш бўлади. Жума кунини амалий битимлар тузиш учун қулай.

Бузоқ (22.04-20.05). Келаётган ҳафта омадли ва хайрли кечади. Ҳафта мобайнида молиявий аҳволингизни ўнглаб олиш, яхши харидлар қилиш, шунингдек, ҳордиқ чиқариш имкониятлари туғилади.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафта бошида юз берган толиқнидан кейинги кунларда аҳволингиз яхшиланади. Пайшанба ва жума кунлари бизнес амалиётларини бажарасиз ҳамда хуш-хабарлар эшитасиз.

Кискичбака (22.06-22.07). Пайшанбада зиддиятли вазиятларга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларида яхши харидлар қиласиз ва турли хабарлар эшитасиз.

Чайн (23.10-22.11). Чоршанба ва пайшанба кунлари жисмин-



гизда ҳорғинлик сезасиз. Жума ҳордиқ чиқаришга қулай. Шанбада моддий аҳволингиз ўнланади.

Ўқотар (23.11-21.12). Пайшанба кунини амалий битимлар тузишингиз мумкин. Дам олиш кунларида кўнгилга ёқадиган харидлар қиласиз ҳамда сеvimли ёрингизнинг кўнглини хушлайсиз.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Келаётган ҳафтада турли муждалар тинглайсиз, шунингдек, имкони борича кўпроқ дам олишга ҳаракат қиласиз. Бу ишингиз албатта фойдадан холи бўлмайди.

Ковга (20.01-18.02). Ҳафтанинг иккинчи ярмида турли хабарлар тинглайсиз ва кайфиятингизда кўтаринкилик юз беради.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафтанинг иккинчи ярмида пулингиз қўлайиб қолса ва яхши харидлар қилсангиз ажаб эмас.

МАСЪУЛ ОДАМ ТҲЙ ҚИЛИБ «ЎРНАК» БҲЛАЯПТИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Орадан ўттиз йил ўтса-да, ҳар эслганда дил энтикиб, руҳият бойидиган, ҳар хотирлаганда юрак ҳарқиб, қалблар жунбушта келадиган тўй маросимларини нега энди ёлга оляпти? Нега энди халқимизнинг асрий анъаналари, қадимий қадриятларидан бири бўлган тўйларимиз хотира мулкига айланди. Чунки кейинги чорак аср давомида тўйларимиз ўз миллийлигини йўқотиб, мусобақа майдонига айланиб қолди. Одамлар кимнинг қанча ош дамлагани-ю, қанча сарпо қилганини гапириб юрадиган бўлишди. Ҳатто тўйларнинг аъсаба-ю дабдаба билан ўтиш обрў-эътибор мезонига айланди. Ким ўзига қилинган тўйлар оқибатда фахру ифтихоримиз эмас, аксинча, катта муаммага айланди. На-тижада тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Хўш, ўтган давр мобайнида Фармон ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди? Тўйларимиз ва бошқа маросимларимиз яна анъанавий камхарж, камтарона миллий удуларимиз қиёфасига киряптими? Ёки ҳали ҳам ким ўзига қилинаётган тўйлар учраб турибдими? Шу каби саволлар билан юртдошларимизга мурожаат этидик. Уларнинг асарини, аввало Фармон юзасидан, қолаверса, тўйлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Йўлдош ХҲЖАЕВ, «Маҳалла» хабарчи жағмаримиз Бектемир туман бўлими раиси.

Тўйлар ва бошқа тантанали маросимларни дўст-ёрлар, яқин-қариндошлар иштирокида нишонлаш, шоду хурамлиқни баҳам кўриш халқимизга азалий одат. Аммо совиқ совиқ тузуми мафкураси бошқа қадриятларимиз қатори тўйларимизни ҳам миллийликдан йироқ, асрий эл-дилларидан узилган ҳолатда ўтказишга сабаб бўлди. Одамлар бемор кўншини қандам хабар олмасам-оламидики, аммо бошқа шарафлиқ кўзо-қозонларини қадриб дабдабали тўй қилишди. Хар кунини кўзи тушиб турадиган ноҳор,

кам таъминланган маҳаллаларни қўлиб, мансабу обрў-эътибор илжиндила не-не одамларни уйига чақириб зиёфат беришди. Ахир, Пайгамбаримиз САВ «Агар суяк қайнатсанг, шўрасидан қўшини-нга инъом эт» деб бежиз таъкидламаганлар-ку. Ахир, дабдабали тўй қилгандан кўра бир бева-бечоранинг ё ногироннинг, бемор ётаннинг кўнглини овласанг, шунинг ўзи савоб эмасми? Тан олиш керакки, Фармон чиққандан кейин ўтган қисқа бир давр мобайнида жиддий ўзгаришлар юз берди. Аммо онда-сонда бўлса-да, учраб турган ҳолатлар ҳали бу борада кўп ишлар қилишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йили туманимизнинг Зилола маҳалласида истиқомат қилувчи масъул одамнинг тўйи тоғ отгунча давом этган. На маҳалла оқсоқоли, на маҳалла фаоллари хабар топмаган бу тўйнинг шовқинидан 75- ва 77-уйда истиқомат қилувчи ўнлаб одамлар эрталабгача безовта бўлишган. Тўй эгасининг масъул идора ходими эканлиги аниқланиб, унга чора кўриш масаласи шу ташкилот эътиборига ҳавола этилди.

Абдулмоннон АБДУГАНИЕВ, Бектемир тумани Истиқбол маҳалласи оқсоқоли:

Тўйларнинг тартибиди, қадимий урф-одатларимиз асосида ўтказишда маҳалла аҳли олиб бораётган талбирлар ҳам муҳим ўрин тутати. Масалан, маҳаллада бу тўйнинг мақсади ўтказилган тўй либослари кўрик-таълово бу борада ўз самарасини беради.

Тўйларни бир кунда, чиқимсиз, ортиқча сарф-ҳаражасиз ўтказиш чора-тадбирлар яхши самара бермоқда. Аммо бизда яшаб туриб, бошқа туманларда жойлашган ресторон ва қаҳвахоналарда дабдабали тўйлар қилаётган ака-хонлар ҳам инсофга келиб, ким ўзига тўй қилиш ўрнига сармоясидан мактаб, боғча, қолаверса, маҳаллага ҳам таъминланган оилаларга ердан берилса, нур устига альо нур бўларди.

Темир КҲРБОН, «Маҳалла» муҳбири.

Шамшидин МОЛДОБОВ тайёрлади. Чунки ариқ, жылға, сой сувлари маълум даражада қимёвий унсурлар (нитратлар, нитритлар) ва бошқа моддалар билан инфосланган бўлиши мумкин.



МАҲАЛЛА МУАММОСИ ТЕЛЕЭКРАНДА

«ДУВ-ДУВ ГАП»ДА ТҲЙ ГАПИ

Бугунги кунда маҳалла тузилмасига жамоатчиликнинг жуда кенг диққат-эътибори қаратилаётгани қувончли ҳолидир.

Ахборот олишининг, жамоатчилик фикри шакллантирилишининг энг мақбул унсори бўлиши телевидение ҳам маҳалла институтига юқори баҳо бораётган. Хусусан, «Маҳаллада дув-дув гап», «Менинг маҳаллам» сингари кўрсатувлар фикримизга дадил бўла олади. Айниқса, журналист Асрор Абборхўжаев тайёрлаган турмуш чиқишлар мамлакатимиз оилалари, гузарларига ҳақиқатан ҳам дув-дув гап бўлиб келмоқда. Оила тутиш, қизларни ўсмир ёшидаёқ турмушга бериш, қайнона-кўлинг муносабатлари галлагача кўрсатув диққат марказида турган «огриқ нукта» бўлди. Аслида бу «нукта» деярли барча ўзбек оилаларида мавжуд деса ҳам бўлади. Ана шу инсоний муноса-

батларни яхши йўлга қўйиш, турмуш иқир-чиқирларини сабр билан энгиб ўтишга даъват қилаётган ушбу кўрсатувлар маҳалла фуқаролар йиғини фаолларни сифатида бизнинг фаолиятда ҳам қўл келаятир. Айниқса, маҳалла тўй, маросимлар комиссияси раиси сифатида менинг фаолиятимда бу кўрсатувларнинг аҳамияти бекиёс. «Менинг маҳаллам», «Маҳаллада дув-дув гап» кўрсатувларининг ютуқ томони шундаки, улар ижтимоий ҳаётимизга ниҳоятда ақил, мазмунан алоқадорлигидандир.

Тождидин АШИРМАТОВ, Ҳамза туманидаги Нодира маҳалласи оқсоқоли ўринбосари.

ЖАЖЖИ ТАДКИКОТ

«Жисмоний фаоллигингиз тонизи соат 5 ёки 6 оралиғида айниқса ошади, дейди владивостоклик тадқиқотчи олимлар. - Сиз эса худди шу пайтларда уйғонишингиз керак!» Кўпчилигимиз бу соатларда уйқуда бўламиз. Яъни, ўз табиатимизга зид ҳолатни юзага келтираемиз.

Психологларнинг айтишича, аксарият кишилар «загча» типига кириди. «Загча» учун эрта ётиш қулай, чунки кечаси соат ўнлардан кейин унинг психофизиологик тонуси кескин пасаяди ва тезда ухлаб қолади. Шу билан бирга «загча» мижозли одам барвақт уйғонгани ва эрталабки соатларда ақлий, жисмоний иш қобилияти

максимал даражада бўлади. «Бойўли» типидогилар эса бунинг мутлақо тескариси! Демак, руҳий бардамлик ва жисмонан соғломлик учун «загча»ларнинг турмуш тарзини ниҳоятда қулай. Тунги соат 23 дан аввал ухлаш ва тонги соат 8 гача уйғониш! (Байрам ёки тўю томошалар бундан истисно). Кимки шу қондани ўз

ҚАЧОН УХЛАБ, ҚАЧОН УЙҒОНИШ ФОЙДАЛИ?

қундалик ҳаёт тартибига айлантирса, бунинг ижобий самарасини тезда ҳис этади. Максус тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатадики, агар кечки соат 21 ва 22 лар оралиғида уйқуга ётсанг, эрталабки соат 7 ва 8 га нисбатан 4 ва 5 - лар оралиғида уйғониш осон кечади. Бу эса бизнинг табиий биоритимимизга хос ва мосдир. Уйқу бузилишининг нохуш оқибатлари кўпчилик олимларни ташвишга солиб

келаятир. Уйқу нотинчлигини маъмул учун инсон психикасига ўта зарарли таъсир кўрсатади? Физиологлар, психологлар ва бошқа кўпгина тадқиқотчилар худди шу муаммо устида бош қотирмоқдалар. Тадқиқотлар натижасига кўра, сифатли уйқу инсоннинг руҳан соғломлиги учун имкон яратди. Бундай ҳолатда эса шахсий ҳаётдаги нохушликлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади.

Шамшидин МОЛДОБОВ тайёрлади.

СОҒЛОМ АВЛОД КЕРАК ВАТАНГА

Салимжон хожи МЕЛИКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари.

«ОЛИМУ БОАМАЛ БЎЛ»



Болаларга тарбия бериш деганда, фақат одобли бўл, ақлли бўл, деб қолмасдан, балки уни доимо назорат қилиб туриб, натижасини билиб бориш керак.

Ҳадисда «Илмининг фазли, ибодатнинг фазлидан кўра кўпроқ, оз илмининг фазли кўп ибодатнинг фазлидан ҳам кўра кўпроқдир» деб башорат қилганлар. Илм эгаси, яъни илм олган киши ўз илмини ватани, дини, халқининг манфаати учун ишлатсин! Шу ўринда устозларнинг бир тиллагини айтиб кетмоқчиман. Улар айтидиларки «Олиму боамал бўл» деб. Ва шундай деб дуо ҳам қилдилар. Бундан кўринадики, бунда ўзимиз ҳам ибрат бўлишимиз керак.

Ёшлар тарбиясида тўғриси-ўзликнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Куръони Каримнинг Аҳ-зоб сурасида айтадики: «Эй, мўминлар, қачонки сизлар сўзласангиз, тўғри сўзларни, тўғри гапларни гапиринг, шунда Парвардигорингиз ишларингизнинг ривожини беради ва Ўзи билиб-билмай қилган гуноҳларингизни кечиради».

Ислом динининг ёшлар тарбиясидаги муҳим жиҳатларидан яна бири - бу кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, иззат-иқромдир. Катталарни ҳурмат қилиш, уларга салом бериш, катталарга гап қайтармаслик, бировларни ноўрин ҳақорат қилмаслик, кичикларни иззат-иқром қилиш, ёши кичикларни камситмаслик ҳам исломий тарбиянинг таркибий қисмларидан бири. Бир ҳадис шарифда Муҳаммад (САВ): «Кишиларни ҳурмат қилсанг, иззат топасан», деб марҳамат қилганлар.

Одоб-ахлоқнинг намунали кўринишларидан бири бу хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлсин ҳаёли бўлишидир. Ҳаё инсоннинг қандай эканини белгилаб беради. Ҳадиси шарифда айтадики: «Инна лиқулди диний хулқан. Ва хулқул-истилами ал-ҳаё». Яъни ҳар бир диннинг ўз хулқи, моҳияти бор, ислом динининг моҳияти эса ҳаёли бўлмоқдир. Чунки ҳаёли киши ҳеч қачон ёлгон гапирмайди, омонатга хиёнат қилмайди, ўғирлик қилмайди. Шунингдек, шарий-ҳаё

Навоий гулшани

ҚУЁШ ВА ЗАРРА

Мумтоз шеърятимизда, хусусан Алишер Навоийнинг шеър ва достонларида қуёш ва зарра образлари кўпича ёнма-ён, бири буюкликнинг, иккинчиси кичикликнинг рамзи бўлиб келади.

«Сабъан сайёр»да ўқиймиз.

Шоҳ тутқач қўлумни, Шоҳини ултурди.

Зарра қадрини қуёшқа тегурди.

«Хазойинул-маоний»да:

Вужуд айлади мавжуд улусиниким, бўлмас - Вужуд заррага мавжуд бўлмоғунга қуёш.

Бу фикрнинг энг яхши ифодаси Навоийнинг бир таржуманомидан учрайди. Бу шеърнинг 10-бандида шоир ўз ҳамсухбатига мурожаат қилиб, дунёнинг ишлари ажабтовур қурилган бўлиб, уни англаш нақадар қийин экани ҳақида шундай мулоҳаза юритади:

Назар айла бу қорғоқ ваъига,

Ки ортар томошосида ҳайратим.

Қуёш йўқки, бир зарра моҳияти -

Топа олмади саты ила фикратим.

Не келмак аён бўлди, не кетмагим;

Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.

Не касби улум этти ҳал мушкилим;

Не тутти илиг тақвоу тоатим...

Бундаги иккинчи байтда шоир дўстига мурожаат қилиб:

Сен мендан Қуёш нималигини сўраб билмоқчи бўлаёсан. Қуёш бу - жуда улғур нарса-ку! Сен мендан заррани, унинг моҳиятини сўрагин. Шунга ҳам мен, қанча ҳаракат қилмай, айтиб бера олмайман, демоқчи.

Навоийнинг ўзида ҳам шу фикрни асослашга қаратилган бошқа байт бор экан:

Илмики, бир зарра илмида фов,


Ҳидоят сипеҳрида тўғриллик осмони юз минг қуёш.

А.ХАЙИТМЕТОВ, филология фанлари доктори.

Биз бугунги мавзунимизни ёшлар тарбияси ва ислом динининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида қисқача айтиб ўтдик.

ҲОРМАНГ ЭНДИ, САИД АҲМАД ДОМЛА!

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳам 80 ёшга тўлай деб қолди (яна 3-4 кун қолди). Севимли адибимиз қўтулғ ёш баҳонада ўз тенгқурлари ва ундан ошганлар билан бир баъзи-жамият қилиб, шу пайтгача даврада ҳозир нозир бўлиб келган «Етти ёшдан етмиш ёшгача» бўлганлардан бир «аламини» чиқармоқчи.



DUKKAM. DUKKAM!

Қўнмага йўлларга етмиш ёшдан етмиш ёшгача яни тақдир қилишлар.

Ҳади, саксонга етмалар ҳисовда адиби?

Биз, саксонбойлар ҳам энди уларни йўлга айбонлаймиз. Ҳушимиз йўлдан, баъзи қилиб, ҳоҳон қилишлар йўлисида бир пириқиб сўрқулашамиз.

Дастурхонда ноз-нашайлар, нарҳез таллар қайғовида «вақо», «экан», «рауна-тин», «ривоси» каби дориларни ҳамма буйри - қўруғи ҳам, суғи ҳам бўлади.

Икки сержак меҳнатшера навабайлик қилади. Маънарига олтиқиб келадиган саксон йиғилиш ҳам шай. Қўроғи ошроқларга томоқандиқовдек равиоқарнай тағидан жой ҳозирмакан.

Беза саксонбойлар, биринчи муҳаббат то-тираси сўрағида, ёшларга эҳти қилган қизларни (азар ч ҳам беза бўлса, бир аламалар тора оёса) олиб келишлари мумкин.

Саид Аҳмад


Қўтулғ ёшингиз муборак бўлсин, Саид Аҳмад домла!

«ЭНАМ»НИ КЎРСАТМАНГ

Саид Аҳмад ака, менинг таваллуд баъзимда илгари қирққа чиққан одамнинг соқоли кўксига тушган, қаваг-қаваг белбоғига носқовоқ, пичоқ осиб олган чол бўларди, Ҳайдар Муҳаммад 60 да ҳам қиличдек бўлиб ўтирибди, келинингизни кўрсатиб ёнида ўткир «пичоғи» билан, деган эдингиз. Бунинг сабаби Мустақиллик деб билиб, томошабинлар роса қарсақ чалишганди. Бугун Сизнинг 80 ёшда қиличдек бўлиб юришингиз ҳам мустақиллигимиз шарофатидир. Шу боис дастурхонда «энам»ни кўрсатманг, ўрнига бодом қўйинг. Хурматли катта «ва-лида»олиянинг ҳам ўрнига олма-гилос гамланг. 90 ёш-лилар бориб кураш тушибди, бир томоша кўрсатишди. Каттароқ совринни тайёр-лайверинг. Биз, Олтинш-войлар чой-ош ташиб хиз-мат қилиб тураемиз. Туйлар муборак, устоз!

Ҳайдар МУҲАММАД, шоир.

Майдонда учрашгунча...



Мана, бир неча ҳафталарки, олам футболи Рональдосиз давом этмоқда. Майдондаги қалтис вазият уни шикаста қилиб қўйди. Уни доволаш, ўйинга қайтариш учун шифокорлар бор билим ва тажрибасини ишга солимоқда. Бу вақтда машҳур футболчи оиласидаги то-тувлиқ уни руҳан тушқунликдан сақламоқда. Бу ўз ўрнида унинг яна майдонга қайтишини тезлаштириши табиий албатта.

БИР ЗАМОНДА...

ГАВҲАР

Бир замонда бой билан камбағал яшаган экан. Девор дармиёи қўшни бўлган бойнинг данғилла-ма уйлари, катта боғлари ва ҳовузи, уюр-уюр отлари, пода-пода моллари ва жуда кўп бойлик-лари бор экан. Бойнинг кўп хизматқорлари ва уч гўзал хотини бўлган экан.

Камбағалнинг эса кичкинагина ҳовлиси, битта кулбаси бўлиб, бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан. Камбағал эртақот бил ки қидирар, оғир ва қора меҳнат иш кун кечиради.

Бир кун бойнинг хизматқори чикиб: - Сизни ҳўжайиним қақиряпти, - дебди.

Камбағал уйдан чиқиб бойнинг ҳузурига борибди.

Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, - дебди бой. - Дебди, мен ҳеч нарсага муҳтоб эмасман, қўшининг сутидан бошқа ҳамма нарсам бор. Аммо сизга маълумки, менинг ҳовлимда бир кун ҳам тинчлик бўлмайдди. Баян қайсар хизматқорларимдан кўнглим тўлмайди, қоним қайнаб қатади, уларни сўқаман, ёки ураман. Агар фаросатим учта хотинимнинг ташвишларини ҳам айтмай десам, бу жанжаллар ҳеч қачон тугамайди. Булардан ташқари уйимга кўп одамлар келишадди, қисқаси, ҳовлимда ҳар кун жанжал, бақир-қақирнинг алоғи йўқдай. Мени бир нарсга ҳайратландиради. Ахир сиз камбағал бўлсангиз, менинг бойликларимнинг миқдод бери ҳам сизда йўқ, лекин сизнинг уйингиз ҳаммаша тинч. Мен бирон марта хотинимнинг йиллаганини ёки жанжал кўтарганини эшитмаганман. Сизнинг ҳовлингиздан ҳар доим самимий кулгу эшитилади. Бунинг босиси нималар? - деб сўради бой.

Уйимизда жанжал чиқишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Мен бир-барман. Бунинг хотиним билан, шунинг учун ҳам мендан меҳрибончилигини аямайди. Мен хотинимни яхши кўраман, унинг қоридан қайғу ва ҳасратларини яратишга ҳаракат қиламан. Бунинг устига бизнинг «гавҳаримиз» бор, дам олиш пайтлари биз у билан уйнаймиз, шунда қайфиятларимиз кўтарилиб, кулгуларимиз янада шўроқ бўлади, - дебди камбағал.

Бой камбағалга рухсат берибди.

Бир кун бойнинг хизматқори чикиб: - Сизни ҳўжайиним қақиряпти, - дебди.

Камбағал уйдан чиқиб бойнинг ҳузурига борибди.

Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, - дебди бой. - Дебди, мен ҳеч нарсага муҳтоб эмасман, қўшининг сутидан бошқа ҳамма нарсам бор. Аммо сизга маълумки, менинг ҳовлимда бир кун ҳам тинчлик бўлмайдди. Баян қайсар хизматқорларимдан кўнглим тўлмайди, қоним қайнаб қатади, уларни сўқаман, ёки ураман. Агар фаросатим учта хотинимнинг ташвишларини ҳам айтмай десам, бу жанжаллар ҳеч қачон тугамайди. Булардан ташқари уйимга кўп одамлар келишадди, қисқаси, ҳовлимда ҳар кун жанжал, бақир-қақирнинг алоғи йўқдай. Мени бир нарсга ҳайратландиради. Ахир сиз камбағал бўлсангиз, менинг бойликларимнинг миқдод бери ҳам сизда йўқ, лекин сизнинг уйингиз ҳаммаша тинч. Мен бирон марта хотинимнинг йиллаганини ёки жанжал кўтарганини эшитмаганман. Сизнинг ҳовлингиздан ҳар доим самимий кулгу эшитилади. Бунинг босиси нималар? - деб сўради бой.

Уйимизда жанжал чиқишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Мен бир-барман. Бунинг хотиним билан, шунинг учун ҳам мендан меҳрибончилигини аямайди. Мен хотинимни яхши кўраман, унинг қоридан қайғу ва ҳасратларини яратишга ҳаракат қиламан. Бунинг устига бизнинг «гавҳаримиз» бор, дам олиш пайтлари биз у билан уйнаймиз, шунда қайфиятларимиз кўтарилиб, кулгуларимиз янада шўроқ бўлади, - дебди камбағал.

Бой камбағалга рухсат берибди.

Мунаввар РАШИДОВА таржимаси.

Булоқбоси туманининг Ширмонбулоқ маҳалласида сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган даражада машҳур қотиллик юз берди... Афсуски, биз уни сўз билан...

ЖАСАДЛАР УСТИДА МАЙСА УНМАДИ

(ёхуд ўта машҳур қотиллик хусусида)

Шу маҳаллада ишовчи Ҳосил Қўлатов Булоқбоси тумани Ички ишлар бўлимининг бошлиғи Х.Муҳамедов номига ариза билан мурожаат этди. «Отам Сотиболди Қўлатов ва онам Баҳрин Қўлатовлар Жалолабод шаҳридаги бўвминикига кетишганди. Ҳалигача қайтиб келишмастир. Бунининг уйдан сўроқласам, у ёққа боришмабди. Ота-онамини топишда кўмаклашувчиларингизни сўрайман!» деб ёздигани у ариза-сида. Ажаб! Кекса ота-она ўз уйдан чиқиб қаёққа кетишлари мумкин? Бунга аризали бирор ноҳусна бўлиб қўлмаган бўлса?! Тезлик билан қидирув иши бошланади. Жамик кўни-қўшинлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар билан суҳбат ўтказилади. Кўлатовлар хонадони синчиклаб текширилади. Аммо, қидирув ва сурштирувлар бирор натижа бермайдди. Шундан сўнг терговчи К.Мамажонов ушбу воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатишини, рад қарорини маълум қилди. Булоқбоси тумани прокурори И.Ҳасановни терговчи-

нинг қарори қаноатлантирмайди. У кўнглидаги гумонга асосланиб, ички ишлар бўлими тезкор ходимлари - Жасур Султонов ва Фарҳод Аҳмедовларни ҳузурига чақиради. Сўнг Ҳосил Қўлатов билан суҳбатлашди ҳақида уларга топшириқ беради. Шу куниниқ терговчи қарори бекор қилиниб, Ўзбекистон ЖКНинг 97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Сўраб-сурштиришлар бошланади. Жиноят қидирув тезкор вакиллари Ж.Султонов, Ф.Аҳмедов, Б.Мамажонов ва О.Расулқовлар бир неча кун Ҳосил Қўлатов билан суҳбатлашди. Ниҳоят, сурштирув ўз натижасини беради.

Воқеа аслида шундай бўлган экан...

1997 йилнинг 15 мартида Ҳосил Қўлатов қўшинлари Ойбек Йўлдошев ва Иқром Умаровлар билан ичиб ўтиришди. Қўюқ зинфат, ичкилик то кеч соат 23 гача давом этди. Ўтириш охирида қўшинлар ўз уйларига чиқиб кетишгач, Сотиболди Қўлатов ўр-

диган жойдан чуқур қазийди ва иккала жасадни ҳовлига олиб чиқиб, чуқурга қўмади. Тупроқнинг юз қисмига сабази уруғи сепади. Лекин майсалар униб чиқмади.

Инсонлик шайнига иснод келтирган Ҳосил Қўлатов устидан жиноий иш қўзғатилиб, у Ўзбекистон ЖКНинг 97-моддасининг 2-қисми «а», «в», «ж», «и» бандлари билан тўла айбдор деб топилди ва олий жаза - отишга ҳукм қилинди!

Арзимас пулни деб ўз ота-онасининг жонига қасд қилиш дунёдаги энг отир гуноҳи азимдир. Айб қилма! Ота-она тўғри тарбия беролмагани унларинга? Ёки бу ишдадаги захри қотилининг оқибатиданими? Наҳот инсон шу қадар ёвузликка бориши мумкин бўлайди, орамиздаги одамлар нима ишларга қўл урмоқда? Наҳотки, энди шу каби жаҳолат ҳам - яъни пул деб ота-онани ерга беажал қўмиш ҳам бизнинг орамизда руй бермоқда.

О. КАРИМОВ, 1-даражали юрист.

БОШҚОТИРМА

Энига: 1. Уяди алоқа телефон тармоғи. 3. Юртимиздаги лотерея ўйинларидан бири. 6. Зағламас металл. 10. Қирққулқонлар оиласига мансуб кўп йиллик сув ўсимлиги. 16. Ору, мақсадга етишни. 17. Юнон афсоналарида бахт ва омад тағириси. 19. Чоронининг бошқача номи. 22. Араб халқларидан бири. 23. Тароқ шилтамайдиган киши. 24. Ишора. 25. Уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилган Франциянинг машҳур фирмаси. 26. Салтанат эскирган номи. 27. Республикамыздаги футбол жамоа. 29. Вақтда матбуотга олинган аъло бўлин. 31. Кимёвий элемент. 33. Туркиянинг жанубидagi шаҳар. 35. Республикамыздаги шаҳриётлардан бири. 40. Пичоқнинг учдан соғнагача бўлаган қисми. 41. Дўст, уфат. 42. Ҳафтада бир марта пешинда ўқиладиган наом. 44. Қариялар юзидagi қарийлик аломати. 45. Ёлгонинг акси. 47. Пошхо фармонини халқда эълон қилувчи шахс. 49. Ишга қиринган одамгаги чилмариқлик, қатъийгиллик. 52. Урта Осиёдаги дегиз. 53. Волга дарёсининг қадимги номи. 54. Қанчаларё вилоятдаги туман. 55. Об-ҳаво ўзгаришига қараб кўчиб юрадиган кун. 56. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романидаги қасоскор бўри номи. 57. «Библя»нинг бошқача номи.

Бўйига: 1. Географик асбоб. 2. Хўл мева. 4. Илмий иш билан шуғуланувчи киши. 5. Нон иширини мосламас. 7. Хат, мактуб. 8. Қўшиннинг кўрки. 9. Кўрсатини омонти. 10. Гўрўғининг асранди ўғли. 11. Сабзавот тури. 12. Мусо пайгамбарнинг акаси. 13. «Хамса» достонидagi қаҳрамонлардан бири. 14. Хон саройидagi амалдор. 15. Шариятта кўра талабнинг кийим билан ўралиб турадиган қисми. 17. Автомобиль русуми. 18. Юнон алоқбосидagi учувчи ҳарф. 20. Чақалоқ тинглайдиган қўшиқ. 24. Ислом динига биринчи бўлиб эътиқод қилган халқ. 28. Отининг «белбоғи». 30. Хом ашё сарқандиган жой. 31. Ҳайвон қони билан оқлангандан зудук. 32. Ишқ, муҳаббат. 34. Футболда ўзининг майлдан ташқарига қичиб кетиши ҳолати. 36. Ийрик пашша. 37. Бичин-тиқши асбоби. 38. Шерқалда бўлиган банд. 39. Доворак, ботир. 41. Ҳўррадаги хизмат қиладиган жой. 43. Аловатдан усту турадиган куч. 46. Мевали дарахт. 48. Ҳинд халқининг «Рамалина» эпосидagi бош қаҳрамон. 50. Пахар, бузруқвор. 51. Узуждан қилинадиган шароб.

4x4 grid with numbers and black squares for a crossword puzzle.

Тузувчи: Рустам ЗОИРОВ.

MANALLA га
Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хабри жамоарасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмади.

MANALLA
Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хабри жамоарасининг нашри
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:
Шўхрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ
Масъул қотиб:
Аслиддин БУРИЕВ
Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ
Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютеридеги терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа қонцерни босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Бўямла Г-220
Топширилди—20.30